*Эрурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен*

XABAR

# ХАБАР

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 2000 йил, 21 январь, жума № 3 (386) ● Сотувда нархи эркин

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ИШОНАМИЗ

Телевизор орқали Юртбошимиз И. А. Каримов яна қайта Президент этиб сайланганини эшитиб роса қувондим. Шу куни хонадонимизда байрам бўлиб кетди. Жажжи невараларим ҳам қайта-қайта Ислом Каримов Президент бўлдими деб сўрашганида ватандошларимизнинг каттаю кичиги Юртбошимизнинг юракдан яхши кўришига яна бир бор амин бўлдим. Истиқлол асосчиси Ислом Каримовга халқимиз ишонади. Чунки у кишининг халқимизнинг бахту саодати дея собитқадамлик билан меҳнат қилаётганини ҳамма кўриб турибди. Юртимиздаги тинчлигу осойишталикнинг, барча бунёдкорлик ишларининг бошида ҳам мана шу матонатли инсоннинг заҳматли хизматлари бор.

Халқимиз муносиб номзодга, демакки порлоқ келажакка овоз берди. Президентимиз Ислом Каримовга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, юртимиз равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларида улкан зафарлар тилайман.

*Ҳожия МАҲКАМОВА,*
*фахрий алоқачи*

## УНУТИЛМАС КУН

Юртимизда бўлиб ўтган сайловлар менда жуда катта таассурот қолдирди. 9 январь мен учун унутилмас кун бўлди.

Энг қувонарлиси шуки, Президентлик сайловида мен овоз берган номзод — Ислом Каримов ғолиб чиқди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига, халқимизнинг тинч-тотув яшаб келаётганига, мамлакатимиз ҳар бир соҳада жаҳонга танилиб бораётганига сабабчи бўлган инсон бундан буён ҳам халқимизнинг юксак ишончини оқлайди.

*Дамир ТОЖИБОЕВ,*
*Тошкент Алоқа коллежининг 4-курс талабаси*

## ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН

Мен Президент сайловчида келажаги буюк Ўзбекистонни дунёга танитган, мамлакатимиз, шу жумладан, қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоромиз кўркига кўрк қўшган, элимиз тинчлиги ва дастурхонимиз тўкинлигини таъминлаган, барча орзу-ниятларимизнинг ушалишига бош сабабчи бўлган азиз ва муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов учун овоз бердим. Сайловлар натижасига мувофиқ унинг қайта Президент этиб сайланганлиги қалбларимизни чексиз қувончларга тўлдирди.

Узоқ йиллардан буён алоқа соҳасида меҳнат қиламан. Истиқлол йилларида халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, бу соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги автомат телефон станциялари OECF япон кредитлари ёрдамида янги жиҳозлар билан алмаштирилди. Вилоятдаги телефонлар рақамли тизимда иш бошлади. Табиийки, буларнинг барчаси истиқлол неъмати бўлиб, Республикамиз Президентининг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати туфайлидир.

Биз ўзимиз овоз берган ана шу буюк инсон раҳбарлиги остида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.

*Омон РАҲИМОВ,*
*Бухоро вилояти*

## АНЖУМАН ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Тошкент электротехника Алоқа институтида профессор-ўқитувчиларнинг «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастури»га бағишланган навбатдаги 33-миллий-услубий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман 9 шўъбага бўлиниб иш олиб борди. Унда 100 дан ортиқ маърузалар тингланди.

Анжуманнинг ялпи мажлисида Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А. Абдунабиевнинг «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси» асосида тарихимизнинг ўрганилиши тажрибасидан» ҳамда радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факультети декани, доцент О. Абдуазизовнинг Тошкент электротехника Алоқа институтида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг амалга оширилишига бағишланган маърузалари тингланди.

Анжуман ишида Тошкентдаги бир қатор институтларнинг ўқитувчилари ҳам ўз маърузалари билан қатнашдилар.

*А. ҲУСАНОВА,*
*ТЭАИнинг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи*

## ИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясида 1999 йил иш якунлари ва 2000 йил режаларига бағишланган директорлар кенгаши бўлиб ўтди. Уни «Маҳаллий Телеком» АК бош директори А. Ҳ. Жўрабоев бошқарди. Кенгашда акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосарлари Э. Аллаев, М. Кожакин, И. Исроилов, Х. Ниғматовлар 1999 йилги иш якунлари бўйича ҳисобот беришди.

Муҳокамаларда «Сирдарё Телеком» ҲЖ бош директори С. Умаров, «Алоқасаноат» ҲЖ директори Р. Валиев, «Наманган Телеком» ҲЖ бош директори К. Боқиев, Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг бош директори Т. Бикметов, Навоий вилоят давлат электралоқа корхонасининг бошлиғи Б. Тунгишбоев, «Самарқанд Телеком» шўъба корхонасининг бош директори Ҳ. Ҳакимовлар сўзга чиқишди. Шунингдек, кенгашда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг ўринбосари Ш. Обидхўжаев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг раиси Т. Назаржоновлар ҳам иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*ЎЗ МУХБИРИМИЗ*

## ТИББИЙ-АХБОРОТ ТИЗИМИ ДАСТУРИ

Бугунги кунда масофадан туриб ўқитиш тизимини республикамиз олий ўқув юртларида жорий этиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳам бу хайрли жараёнга киришилмоқда.

Олий ўқув юртида «Медис» тиббий-ахборот тизими дастурини яратиш устида иш олиб борилаётгани нур устига аъло нур бўлди. Ушбу дастур масофадан туриб ўқитиш, телекоммуникацион тиббиёт, электрон кутубхона, илмий ишларнинг электрон жамғармаси, ўқув-услубий қўлланмалар, компьютер саводхонлиги, Интернет йўналиши каби қатор жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Бу янгилик институтда 200 абонентли Интернет, электрон почта, электрон конспектлаштиришдан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, врачлар учун электрон журналлар ташкил этишга замин яратилади. Интернет тизимида ишлайдиган махсус кутубхонани очиш ҳам кўзда тутилди.

Ушбу тиббий-ахборот тизими дастури асосида врачлар учун ҳам масофали таълим тизими йўлга қўйилади.

*А. АЛИЕВ*

## КАТТА ИШОНЧ

Қизириқ туманида телефон ва радио хизматининг яхшиланиши кўзда тутилмоқда. Ҳозир туманда 2560 та телефон нуқтаси ишлаб турибди. Хонадонларда эса 5100 та радио беминнат хизмат қиляпти. Бироқ бу кўрсаткичлар бугунги кун талаби даражасида эмас. Жумладан, туман аҳолисининг атиги 15 фоизи радио хизматидан фойдаланмоқда, холос.

«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси Қизириқда хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш мақсадида бу филиалга малакали ҳамда ёш кадрларни жалб қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Яқинда шундай кадрлардан бири Бахтиёр Шоймардоновга катта ишонч билдирилди. Илгари шўъба корхонанинг Денов филиалида бош муҳандис вазифасида ишлаб турган Б. Шоймардонов Қизириқ филиали раҳбари этиб тайинланди.

Шу муносабат билан жамоа аъзолари иштирокида ўтган йиғилишда «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси раҳбари Шавкат Ёқубов қатнашиб, қизириқлик алоқа ходимларини янги раҳбар билан таништирди. Ўз навбатида бу тайинлов бевосита туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашилган ҳолда йўлга қўйилганлигини таъкидланди.

*Н. ЗИЁЕВ,*
*жамоатчи мухбиримиз,*
*Сурхондарё вилояти*

*«ХАБАР» газетасига обуна давом этмоқда*

# ЯШАРИШ



***<u>«Сурхондарё Телеком» шўъба корхонасида чорак асрдан зиёд меҳнат қилаётган фидойи кишилар кўп. Корхона бош директорининг ўринбосари, «Моҳир алоқачи» фахрий унвони соҳиби Олимжон Эшонов қарийб қирқ йилдан бери севимли соҳасида узлуксиз ишлаб келмоқда.</u>***

Абдулла Осимов Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари фахрийларидан бири. Бугун унинг шогирдлари бир неча жамоани бошқармоқда. Абдулла акада ҳақиқий мураббийликка хос бир хислат бор. Ўринбосарларни аввало қуйи табақада синаб кўради ва роса чиниқтиради. Дабдурустдан ишни мантўрликдан бошлайсан деганида эндигина Тошкент электротехника Алоқа институтини битириб келган Олимжон Эшоновга ҳам ёқмаган эди. Кейин олий маълумотини пеш қилмаганидан суюнди. Чунки мураббий мактаби уни сабр-қаноатга, муомала маданиятига, бардошли бўлишга, энг муҳими – меҳнат қилиб, меҳнаткаш қадрига етишга ўргатган экан.

Абдулла Осимовнинг мураббийлик маҳорати ва талабчанлиги Термиз шаҳар почта алоқа боғламасига бошлиқ бўлган чоғлари айниқса қўл келди. Олимжон Эшонов 1260 кишилик жамоага раҳбарлик қилиш жараёнида шахсий намуна кўрсатишга, янгилик яратишга интилди. Дастлабки беш йилда мавжуд 321 та почта алоқа бўлимининг тенг ярми янги, замонавий бинода иш бошлади. Алоқа ходимлари учун 16 та хонадонли уй қурилди. Термиз темир йўл вокзалида Термиз почтамти биноси фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги мавжуд 2 минглик ўрнига 10 минг рақамга мўлжалланган телефон станцияси ишлай бошлади.

Инсон меҳнати билан улғаяди. Олимжон аканинг элим деб, юртим деб ёниб яшаши янада, каттароқ ишонч қозонишига имкон берди. 1973 йили у Сурхондарё вилоят почта алоқа бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Янги раҳбар дастлабки иш кунларидаёқ ўз олдига улуғ бир мақсадни қўйди. Бу мақсад – одамлар келадиган хизмат шохобчаларини қулай ва намунали масканга айлантиришдан иборат эди. Олимжон Эшонов шу масалада жамоа билан маслаҳатлашди. Барча туман, шаҳар почта ва алоқа боғламалари кўп қаватли ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган биноларга кўчиб ўтди. Вилоят Алоқа уйи эса республикада биринчилар қаторида фойдаланишга топширилди.

Бу муҳим янгилик билан баробар ҳолда телефон кабеллари ётқизиш ишлари ҳам олиб борилди. Вилоят бўйича 740 километрлик масофага телефон кабели ётқизилиб, монтаж қилинди. Олимжон Эшоновнинг ташаббуси билан Учқизил телевизион радиоузатиш марказини бунёд этишга Курил оролидан мутахассислар жалб қилинди. Вилоятнинг энг малакали алоқа ходимлари улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишди. Айни вақтда Вахшивор ҳамда Жарқўрғон телевизион-радио узатиш станциялари ҳам қайта таъмирланди.

Юртимизда истиқлол қуёши порлагач, алоқа тизимига ҳам янги давр нафаси синга борди. Жаҳон андозалари даражасида телефон хизмати кўрсатиш ҳаракати бошланди. Олимжон ака Хорватиянинг Загреб шаҳрига биринчилар қаторида етиб борди. Швециянинг бу ердаги «Эриксон Никола Тесла» фирмаси билан шартнома тузиб қайтди. Шу тарзда рақамли телефон хизмати кўрсатишга дастлабки қадам ташланди. Ўзаро аҳдлашувга кўра, хорватиялик мутахассислар Термизга келишди. Вилоят алоқачи ёшларидан бир нечтаси малака ошириш учун Загреб шаҳрига юборилди.

Оптик толали кабель ётқизиш ишлари дастлаб Термиз шаҳрида бошланди. Сўнгра бу иш Денов, Сариосиё, Узун, Олтинсой ва Шўрчи туманларида давом эттирилди. 1997 йилда Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонасининг «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси ташкил этилди. Олимжон Эшонов унинг биринчи бош директори бўлди.

Бир вақтлар тутун, олов, кабутар – элни эл билан боғлайдиган алоқа воситаси бўлган. Бугун эса рақамли телефон орқали дақиқалар ичида жаҳоннинг исталган жойи билан гаплашиш имконияти яратилган. Бу тараққиёт теграсида қанчалар изланиш ва меҳнат мужассамлигини ким ҳам билмайди, дейсиз. Олимжон ака халқимизнинг шундай кенг имкониятларга эга бўлишида озми-кўпми хизматлари борлигидан қувонади.

Олимжон Эшонов қутлуғ 60 ёшга тўлган чоғларида яна бир нарсадан мамнун. Узоқ йиллар алоқа соҳасида ишлаган отаси Саидхўжа ака бошлаган анъана катта ишонч ва умид билан давом этмоқда. Ўғли Алишер Эшонов «Ўздунробита» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасининг Сурхондарё филиалига раҳбарлик қилмоқда.

Корхона биносининг юқори қаватига қарийб юзта зина босиб чиқилади. Унга илк бор оёқ қўйган киши бора-бора ҳансираб қолади. Олимжон ака эса олтмишни қоралаган бўлсалар ҳам, асло чарчоқ сезмайдилар. Бардамлик боиси фақат соғломликда эмас. Олимжон аканинг қарийб қирқ йиллик меҳнат фаолиятидаги эзгу ишлари ва одамларга яхшиликлари ҳамиша унга қувват бахш этиб туради. Дарвоқе, тоғ арчаси йил бўйи яшаб турганидай, элим, юртим деб яшаётганлар учун олтмиш ёш айни яшариш ёшидир.

***Нортожи ЗИЁЕВ,***
***Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси***

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамияти Ровон филиали жамоаси «Туль» алоқа бўлими бошлиғи **Баҳодир ЖЎРАЕВни** таваллуд топган куни билан чин қалбдан табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

* * *

«Андижон Телеком» ҲЖ жамоаси ва вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси «Андижон Телеком» ҲЖ бош директорининг биринчи ўринбосари **Иброҳимжон Тешабоевич РИСБОЕВни** туғилган куни билан қутлайдилар. Иброҳимжон Тешабоевичга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, меҳнат фаолиятида катта зафарлар тилайдилар.

* * *

Қадрдонимиз **НАСРУЛЛОБЕК!**

Сизни туғилган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Умрингиз узоқ, ҳаётингиз доимо осуда бўлсин.

**Опаларингиз Гўзал, Гулруҳ ва синглингиз Гулрухсор.**

* * *

«Самарқанд Телеком» шўъба корхонаси корхонанинг Челак туман филиали директори **Абдулҳақ ТОШТЕМИРОВни** қутлуғ 60 ёши билан чин дилдан муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида омад ёр бўлишини тилаб қолади.

## БИР КАСБДА 45 ЙИЛ

Юрий Валентинович Рогожиннинг меҳнат дафтарчасида ёзувлар кўп эмас. Дарахт бир жойда кўкаради деганларидек, у киши ҳам 45 йилдан буён «Тошкент Телеком» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилиб келди. Ўтган йиллар мобайнида у бўлим бошлиғи, катта инструктор, етакчи мутахассис каби вазифаларда ғайрат билан ишлади.

Юрий Валентинович самимий, камтарин инсон. Шу боис унинг дўстлари кўп. Турмуш ўртоғи Нелли Андреевна ҳам нафақага чиққунча бир жойда меҳнат қилиб келди. Ҳозир эса яккаю ягона ўғлининг фарзандлари яъни невараларининг тарбияси билан шуғулланяпти. Юрий Валентинович ҳаётда барча нарсага қизиқади. Айниқса, китоб мутолааси унинг жону дили. Уйини кутубхона дейсиз. У ерда ҳар хил номдаги китоблар кўп. Китобга ошно бўлган инсоннинг қалби меҳрга тўла бўлади, дейишади. Шундан бўлса керак, у ҳар бир ёрдамга муҳтож инсонга яхшилик қилгиси келади. Имкон қадар ёрдам ҳам бериб келади. Юрий Валентиновични қутлуғ 70 ёши билан табриклаш учун «Тошкент Телеком» ҲЖ да унинг барча таниш-билишлари, дўстлари, касбдошлари йиғилишди. Кечани жамият бош директори З. Қосимов очиб, Юрий Валентинович Рогожинга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ҳар доим ана шундай тетик бўлишини тилади. Ю. Рогожин билан кўп йиллар бир соҳада меҳнат қилиб келаётган фахрийлар – Н. Богданов, Л. Сердюкова, Р. Котлобулатовлар ҳам меҳнат фахрийсини чин қалбдан табрикладилар. Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин азиз ва ҳурматли Юрий Валентинович!

***А. ИБРОҲИМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз, Тошкент вилояти***

## СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖга қарашли биноларда, алоқа иншоотларида ёнғинга қарши ҳолат диққат билан текшириб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилиб, йиллик режа ишлаб чиқилди.

Ходимларимизнинг билим доираларини кенгайтириш ва ёнғинга қарши ҳозирги кундаги янгиликлардан хабардор этиш мақсадида корхона жамоаси ва Давлат ёнғиндан сақлаш ташкилотининг мутахассислари билан ҳамкорликда бир кунлик семинар ташкил этилди.

Семинарда шу кунги муаммолар ва масалалар ўрганиб таҳлил этилди. Унда станция ва филиалларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича мутахассислари иштирок этишди.

Семинар қизиқарли ва мазмунли ўтди.

***А. ТЎРАЕВ,***
***«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҲЖ бўлим бошлиғи***

## СПИСОК ЛИЦЕНЗИЙ НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ УСЛУГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ, ВЫДАННЫХ УЗБЕКСКИМ АГЕНТСТВОМ ПОЧТЫ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ (МИНИСТЕРСТВОМ СВЯЗИ РУз) ПО СОСТОЯНИЮ НА 30.12.99 г.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 16 | Акционерное общество открытого типа «Тошкент таксофони» | 14.05.97 г. | МС № 0009527 |
| 17 | Акционерное общество открытого типа «Андижон Телеком» | 16.04.98 г. | МС № 0009559 |
| 18 | Акционерное общество открытого типа «Наманган Телеком» | 16.04.98 г. | МС № 0009560 |
| 19 | Акционерное общество открытого типа» «Фарғона Телеком» | 16.04.98 г. | МС № 0009561 |
| 20 | Акционерное общество открытого типа «Тошкент шахар телефон тармоги» | 15.09.98 г. | МС № 0009563 |
| 21 | Открытое акционерное общество «TOSHKENT TELEKOM» | 26.06.98 г. | МС № 0009564 |
| 22 | Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан | 25.03.99 г. | МС № 0009523 |
| **№ п/п** | ***ПРОЕКТИРОВАНИЕ И СТРОИТЕЛЬСТВО МЕЖДУГОРОДНЫХ ТЕЛЕФОННЫХ ЛИНИЙ СВЯЗИ*** | | |
| 1 | Акционерное общество «Алокаинвест» | 04.12.96 г. | МС № 0009437 |
| 2 | Общество с ограниченной ответственностью «СИМРУЗ» | 09.10.96 г. | МС № 0009448 |
| 3 | Акционерное общество «Межгорсвязьстрой» | 04.12.96 г. | МС № 0009452 |
| 4 | Частная производственно-коммерческая фирма «НАВИ» | 03.02.97 г. | МС № 0009489 |
| 5 | Ташкентский научно-исследовательский институт космического приборостроения | 05.08.97 г. | МС № 0009520 |
| 6 | Общество с ограниченной ответственностью «ТЕЛЕКАБ» | 05.03.97 г. | МС № 0009521 |
| 7 | Общество с ограниченной ответственностью «Алока Курилиш» | 11.03.99 г. | МС № 0009468 |
| 8 | Узбекско-Российское совместное предприятие «RESMA» | 11.03.99 г. | МС № 0009571 |
| **№ п/п** | ***ПРОЕКТИРОВАНИЕ, СТРОИТЕЛЬСТВО И ЭКСПЛУАТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ТЕЛЕФОННЫХ ЛИНИЙ СВЯЗИ*** | | |
| 1 | Ташкентский центр международной электросвязи | 28.08.96 г. | МС № 0009431 |
| 2 | Ташкентская телеграфно-телефонная станция | 28.08.96 г. | МС № 0009430 |
| 3 | Совместное Узбекско-Российское научно-производственное объединение «Узсвязьспутник» | 28.08.96 г. | МС № 0009445 |
| 4 | Территориальное производственное объединение международных связей и телевидения | 28.08.96 г. | МС № 0009432" |
| 5 | Совместное узбекско-британское предприятие BUZTON | 28.08.96 г. | МС № 0009450 |
| 6 | Совместное Узбекско-Малазийское предприятие «Узмаком» | 11.11.97 г. | МС № 0009549 |
| 7 | Совместное Узбекско-Американское предприятие «Уздунробита» | 20.12.96 г. | МС № 0009495 |
| 8 | Национальный Банк внешнеэкономической деятельности | 22.04.99 г. | PT № 0000056 |
| **№ п/п** | ***ПРОЕКТИРОВАНИЕ, СТРОИТЕЛЬСТВО И ЭКСПЛУАТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ ТЕЛЕФОННЫХ ЛИНИЙ СВЯЗИ (СИСТЕМА ГЛОБАЛЬНОЙ ПОДВИЖНОЙ ПЕРСОНАЛЬНОЙ СПУТНИКОВОЙ СВЯЗИ IRIDIUM)*** | | |
| | Узбекско-американское совместное предприятие «Rubicon Wireless Communications» | 4.06.98 г. | МС № 0009570 |
| **№ п/п** | ***ПРОЕКТИРОВАНИЕ И СТРОИТЕЛЬСТВО МЕЖДУНАРОДНЫХ ТЕЛЕФОННЫХ ЛИНИЙ СВЯЗИ*** | | |
| 1 | Акционерное общество «Алокаинвест» | 28.08.96 г. | МС № 0009438 |
| 2 | Общество с ограниченной ответственностью «Алока Курилиш» | 11.03.99 г. | МС № 0009470 |
| 3 | Узбекско-Российское совместное предприятие «RESMA» | 11.03.99 г. | МС № 0009569 |

*(Продолжение следует)*

# МУҲАББАТ ЧАМАНИ УНАР ТИЛАКДА

## МЕҲР КЎЗДА...

Меҳр кўзда, дерлар,
Севги юракда.
Муҳаббат чамани
унар тилакда
Ҳатто ташқарида
қорли қиш бўлса:
Умр поёнсиздир
қалбда ишқ бўлса,
Мен ҳам куйиб
қолдим ишқ оташида:
...Адашса одамзод
ўрта ёшида
Толе ўтирмайди
бошини силаб,
Аммо кутмоқдаман
васлингни тилаб,
Йўлингга тўшайман
муҳаббат нурин.
Адашган йилларинг —
бу менинг умрим!

## СЕВГИГА ИНТИЗОР

Севгига интизор,
Севгига интиқ
Йўлларда излайман
сени, севгилим...
Муҳаббат дардидан,
дегандим тиндик...
Боғимдан узгандим
сени деб гулим!
Қайда...
то ҳаёт бор экан...
То ҳаёт борки...
Ўрганиб,
ўртаниб,
ўртаб юрибман...
Гоҳ туним туманли,
Гоҳ куним ёркин,
Шундан балки яна...
йўлда турибман!

## СЕН НУРСАН

Сен нурсан,
кўксимда ёнган чироғим;
Қанотим ёзганча
сенга учаман.
Дийдорга эришмоқ
эзгу сўроғим,
Сенсиз саҳро қалбим,
сен бор у — чаман!
Сен нурсан,
юрагим эшиги очиқ!
Парвона сингари
нурни суяман.
Нега,
нега ахир
мен шўрлик ошиқ?!
Дийдорга интилган
сари куяман!

## ГАЛИ КЕЛАДИ...

Армон қилма, дерлар...
Қайта орзу қил:
Орзуга етишмоқ
гали келади.
Чорак асрдирки
умид қилар дил,
Кута-кута толдим —
ҳали келади?!
Тўлиб-тошганим йўқ
ушбу оламда,
Қанча яшамайин
қолар чаласи.
Энди такрорлайман
аччиқ аламда:
Орзум —
армонимнинг туққан
боласи!

## ТАСКИН

Тушкунликка тушма,
эй, кўнгил,
Ҳеч қилмасин элдан
безгулик.
Тақдир нени
буюрса кўнгил!
Бу ҳаётдан қидир эзгулик!
Эзгулик — бу сурат, ё рўё,
Аста-аста қадаминг
босгин.
Ал-Сабрга қурилган Дунё,
Эзгулик бу —
таскин,
ҳа, таскин!

**САЙЁР**

## Латифалар

Тулки ўрмондан кетаётиб қараса, қуён йиғлаб ўтирганмиш.

— Ҳа қуёнвой, нима бўлди?

— Хотиним ўлиб қолди.

— Хотининг ким эди?

— Хотиним фил эди, — дея хўрсинибди қуён.

Тулки хохолаб кулиб юборибди.

— Сенга кулги бўлса... Мен бечора ҳали гўр ковлашим керак...

***

Бир одам янги уйланган ўртоғидан сўради:

— Хотининг билан қандай яшаяпсизлар?

— Биринчи ҳафтада мен гапирдим, у тинглади, иккинчи ҳафтада у гапирди, мен тингладим. Энди иккаламиз гапириб, қўшнилар тинглаяпти.

***

Она дангаса ўғлини койирди:

— Ўғлим, сен ишламасанг ҳам иккита одамнинг овқатини ейсан.

— Ташвишланманг, ойи, — жавоб берди ўғли, — агар мен ишлаганимда тўртта одамнинг тегишини ердим.

***

Хотин эрига пўписа қиляпти:

— Чекишни ташла! Сигаретага кетадиган пулга нималар олишимиз мумкинлигини биласанми?

— Биламан, биламан. Сенга мўйна пўстин оламиз, менга — ҳеч вақо.

***

— Қариндошларим қанча эканини аниқ билмоқчи эдим.

— Бунинг йўли осон. Дала ҳовли сотиб ол...

## ДАРДИНГИЗГА ДАРМОН БЎЛАДИ

***Шамоллаш оқибатида инсон организмининг нафас йўллари яллиғланади. Бундай ҳолда ҳарорат кўтарилиши, кучли йўтал хуруж қилиши мумкин. Кучли йўталга чалинганда қуйидаги тавсиялардан фойдалансангиз дардингизга шифо бўлади.***

• Бир чой қошиқ тоза асал ва икки ош қошиқ арпабодиён ўсимлигини чойнакка солиб, устига сув қуйиб қайнатилади ва сўнгра докадан сузилади. Ушбу қайнатмадан ҳар 1-2 соатда тез-тез ичиб туриш тавсия этилади.

• Арпа, жавдар ва сулидан тенг миқдорда олинади ва унга бир дона аччиқ бодом мағзини солиб, товончада талқон қилинади. Ушбу талқон сутга қўшиб ичилса дардга даво бўлади.

• Кашнич ўсимлиги уруғи ва илдизидан тенг бўлакларда олиниб, 0,5 л сувда 10 минут қайнатилади, сўнгра докадан сузилиб, иссиқроқ пайтида кунига 4-5 маҳал икки ош қошиқдан ичилади.

• Қасқонда дамлаб пиширилган беҳи ва шолғом ҳам кўкракни юмшатади. Йўтални пишитиш ва кўкракни юмшатиш мақсадида беҳи уруғини дамлаб ичиш ҳам тавсия этилади.

• Агар йўтал қуруқ келса ёки намли бўлса, унда турпни майдалаб сабзи каби тўғралади ва уни қозонга солиб, устига шакар сепилади. 1-2 соат секин қиздирилгач у ўзидан шарбат ажратади, ушбу шарбатни сузиб олиб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин икки ош қошиқдан ичилади.

«Наманган Телеком» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Уйчи филиали директори З. Болтабоевга падари бузруквори

**Маҳмуджон БОЛТАБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси «Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамияти бош директори Р. Э. ЗИКИРОВга синглиси

**Карима РАҲМАТОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент почтаси» ҲЖ жамоаси Янгибозор филиали директори

**Назира РАҲМАТОВАнинг**

бевақт вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



*Баҳорда боғ на гўзал*
*Қор ёғса тоғ на гўзал.*

## РАДИО КЎЗИ

Нил дарёсида мормирус деган кичкина балиқ яшайди. Уни сув фили деб ҳам атайдилар. Бу балиқни тутиш жуда қийин.

Хўш, нега шундай? Маълум бўлишича, балиқнинг думида махсус аъзоси бўлиб, у электромагнит тўлқинлари ҳосил қилади ва атрофга тарқатади.

Тўлқинлар бирор тўсиққа бориб урилгач, ортига қайтади. Унинг сузгичларидаги «приёмник» қайтган тўлқинларни қабул қилади. Натижада балиқ ана шу тўлқинларнинг табиатига қараб, душманнинг қаердалигини аниқлайди ва унга чап бериб кетади.

Баъзи илон балиқларнинг думларида ҳам ўзига хос «радио кўзи» бўлади. Уларнинг электри 600 вольтгача кучланишни ҳосил қилиши мумкин.

**А. АЛИЕВ тайёрлади**

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-043.
8694 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти— 21.00
123456

